

“ИЖТИМОЙ МУАММО”, “ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ”, “ИЖТИМОЙ АДОЛАТ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МАЗМУНИ

*Андижон давлат университети
профессори М.П.Юнусова*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19415230>

Аҳолининг ижтимоий муаммоларини фақат иқтисодий кўрсаткичлар (даромад, ишсизлик, инфляция) орқали тушунтириш етарли эмас. Ижтимоий-фалсафий таҳлилда ҳар қандай “муаммо” инсон қадри, меъёр ва адолат мезонлари, шунингдек институтлар (давлат, бозор, оила, таълим, маҳалла) ўртасидаги муносабатлар тизимида намоён бўладиган зиддиятли воқеликдир [1–3]. Шу сабаб ушбу бобнинг мазкур параграфида учта базавий тушунча “ижтимоий муаммо”, “ижтимоий ҳимоя”, “ижтимоий адолат” назарий жиҳатдан очиқ берилди ва кейинги қисмларда маҳалла институтининг ижтимоий-фалсафий асосларини тушуниш учун концептуал “каркас” шакллантирилади [4–6].

Ижтимоий муаммони ижтимоий-фалсафий маънода икки қиррада кўриш мақсадга мувофиқ. Биринчиси объектив-структуравий қирра яъни жамиятда муайян институтлар ишида дисфункция, ресурслар тақсимоти ва имкониятлар тенглигида номутаносиблик, хавф-хатарлар (касаллик, ишсизлик, миграция, камбағаллик)нинг кенгайиши [7–9]. Иккинчиси эса меъёрий-интерсубъектив қирра бўлиб бу “адолатсиз”, “меъёрга зид”, “хавфли” деб тан олинди, оммавий онгда ва сиёсий қарор қабул қилиш майдонида “муаммо” сифатида номланиши [1, 10].

Шундай қилиб, ижтимоий муаммо “бор” бўлган ҳолат эмас, балки таърифланган (номланган) ва асосланган ҳолат ҳамдир [1, 10]. Бу жойда билим ва ҳокимият муносабати (кимнинг сўзи “муаммо”ни белгилайди?) муҳим аҳамият касб этади [11–12].

Ижтимоий муаммоларни тушунтиришда икки қатта методологик йўналиш шаклланган бўлиб буларга объективистик (структуравий-функционал) ёндашув ва конструкционист (талаб-даъволар) ёндашувларни киритишимиз мумкин. Объективистик (структуравий-функционал) ёндашувда муаммо ижтимоий тизимдаги барқарорликка таҳдид солувчи дисфункция. Мертоннинг “манфий оқибатлар” (dysfunctions) тушунчаси шуни англатадики, бир институт (масалан, меҳнат бозори) ўз вазифасини адо этолмаса, натижада ишсизлик, ижтимоий тушкунлик, жиноятчилик, девиант хулқ каби ҳодисалар кучайиши мумкин [8]. Дюркгеймнинг “аномия” ғояси ҳам ижтимоий меъёрлар заифлашганда одамлар ўз ҳаракатини мувофиқлаштира олмаслигини таъкидлайди [7]. Демак, “ижтимоий муаммо” тизимдаги узилиш ва номувозанатнинг оқибати [7–9].

Конструкционист (талаб-даъволар) ёндашув Сектор ва Китсусе анъанасида “ижтимоий муаммо” бирор гуруҳнинг ёки институтнинг муайян ҳолатни “муаммо” деб даъво қилиши, уни ахлоқий-меъёрий асослаши ва жамоатчиликни ишонтириш жараёнида шаклланади [1]. Бу ерда “объектив зарар” бўлиши шарт, лекин ҳал қилувчи масала зарарнинг ижтимоий маъно касб этиши: кимлар “жабрланувчи”, кимлар “жавобгар”, қандай “ечим” легитим ҳисобланади [10–12].

Ижтимоий муаммоларни фақат статистикага “қотириб” қўйиш ҳам, фақат дискурсга “эритиб” юбориш ҳам бирёқламаликка олиб келади. Тўғри ёндашув объектив-материал асос + меъёрий-қадриятли талқин уйғунлигини таъминлашдир [2–3, 8, 10].

Ижтимоий-фалсафада муаммонинг ўзагида кўпинча учта “меъёрий ўқ” туради:

1. Кадр-қиммат (dignity): инсоннинг шарафи, хурмати, камситишдан ҳимояланганлиги [13–14].

2. Ҳуқуқ (rights): минимал ижтимоий кафолатлар, тенглик, ҳуқуқий ҳимоя [14–16].

3. Имконият (capability/opportunity): инсоннинг амалда таълим олиш, меҳнат қилиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳаётда иштирок этиш қуввати [17–18].

Айниқса, Сен ва Нуссбаумнинг “имкониятлар ёндашуви” ижтимоий муаммони “ресурс” эмас, инсоннинг “амалдаги ҳаёт имкониятлари” нуқтаи назаридан баҳолаш зарурлигини кўрсатади [17–18]. Масалан, даромад бир хил бўлган ҳолда ҳам, агар инсон ногиронлиги, инфратузилманинг йўқлиги, таълимга кириш чеклангани туфайли имкониятдан маҳрум бўлса бу адолатсизлик ва ижтимоий муаммо ҳисобланади [17–18].

Тадқиқот доирасида аҳоли ижтимоий муаммоларини қуйидаги типларга ажратиш мумкин (кейинги бобларда бу кенгайтирилади):

- Иқтисодий-структуравий: камбағаллик, ишсизлик, норасмий бандлик [9, 19].
- Демографик-оилавий: ажрим, тарбия муаммолари, ижтимоий етимлик, қариялар яккалиги [20–21].
- Соғлиқ ва хавфсизлик: касаллик юки, руҳий саломатлик, гиёҳвандлик, жиноятчилик [22–23].
- Маданий-маънавий: стигма, камситиш, ишонч танқислиги, ижтимоий капитал заифлашуви [24–26].
- Ҳудудий-инфратузилмавий: коммунал хизматлар, транспорт, сув таъминоти, санитария [27].

Ушбу типологиянинг фалсафий аҳамияти шундаки, у “ижтимоий муаммо”ни битта сабабга боғлаб қўймайди; аксинча, муаммони кўп омилли ва кўп институтли тизимда кўради [2–3, 9].

“Ижтимоий ҳимоя” инсонни камбағаллик, ишсизлик, касаллик, ногиронлик, қарилик ва боқувчисини йўқотиш каби ижтимоий хавф-хатарлар оқибатидан асраш, унинг минимал даромад ва ҳаёт сифати стандартларини кафолатлашга қаратилган давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий-институционал тизимидир; у қонунлар ва меъёрлар орқали ҳуқуқий кафолат сифатида мустаҳкамланади, амалда эса пенсия-суғурта механизмлари, манзилли нафақалар, ижтимоий хизматлар ва бандликни қўллаб-қувватлаш институтлари орқали ишлайди, фалсафий жиҳатдан эса “инсон қадри”, ижтимоий адолат, тенг имконият ва жамоавий бирдамлик принципларига таянади.

Ижтимоий ҳимоя “марҳамат” эмас, адолатнинг институционал шаклидир классик патерналистик тасаввурда ижтимоий ёрдам “яхшилик қилиш” (хайрия) сифатида кўрилиши мумкин. Аммо замонавий ижтимоий-фалсафий ёндашувда ижтимоий ҳимоя инсоннинг кадр-қиммати ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлайдиган, давлат ва жамият масъулиятини ифода этувчи меъерий-институционал тизимдир [14–16, 28].

Бу ёндашув “ижтимоий давлат” (welfare state) ғоясига суянади: давлат фақат тартиб-интизом эмас, балки аҳолининг ҳаёт хавфсизлигини ҳам кафолатлаши лозим [29–31]. Беверидж ҳисоботида ижтимоий хавф-хатарларга қарши комплекс тизим ғояси илгари сурилган; Титмуссада эса ижтимоий сиёсат “ижтимоий эҳтиёжларни қондиришнинг ахлоқий иқтисодиёти” сифатида талқин қилинади [29–30].

Халқаро меъёрлар: “ижтимоий ҳимоя қаватлари” тамойилидир. Халқаро меҳнат ташкилотининг Ижтимоий ҳимоя қаватлари тўғрисидаги Тавсияси №202 (2012) ижтимоий ҳимояни “ҳаёт цикли”даги асосий кафолатлар зарур тиббий хизмат ва асосий даромад хавфсизлиги билан боғлайди [32–34]. (International Labour Organization) ушбу ҳужжат

ижтимоий ҳимояни “лойиҳа” эмас, узлуксиз тизим сифатида талаб қилади; шунингдек, камровда қолиб кетадиган қатламлар (норасмий сектор, кам таъминланганлар) муаммосига алоҳида эътибор беради [33–35].

Ижтимоий ҳимоя одатда 3 қатламда кўриниб уларга ижтимоий суғурта (пенсия, меҳнатга лаёқатсизлик, ишсизлик суғуртаси) [31, 36], ижтимоий ёрдам/манзилли қўллаб-қувватлаш (кам таъминланган оилаларга нафақа, бола парваришига кўмак, уй-жой, озик-овқат хавфсизлиги чоралари) [33–35], ижтимоий хизматлар (реабилитация, парвариш, психологик хизмат, ҳуқуқий маслаҳат, “кейс-менежмент”) [22, 37] (расм):



Эспинг-Андерсеннинг “ижтимоий давлат режимлари” типологияси (либерал, консерватив-корпоратист, социал-демократик) ижтимоий ҳимояни давлат-бозор-оила ўртасида масъулият қандай тақсимланиши нуқтаи назаридан тушунтиради [36]. Фалсафий жиҳатдан бу типология “ижтимоий ҳимоя”нинг туб саволини очади: хавф-хатарни ким кўтаради шахси, оилами, давлатми ёки жамоами? [36]

Ижтимоий ҳимоя фақат пул трансфери билан чекланмайди; унинг самарадорлиги кўп ҳолатда жамоадаги ишонч ва ҳамжиҳатликка боғлиқ [24–26]. Патнам “ижтимоий капитал”ни (ишонч, меъёрлар, тармоқлар) жамоавий ҳаракатни енгиллаштирадиган ресурс сифатида кўрсатади [25]. Бурдьё эса ижтимоий капитал тенгсизликни қайта ишлаб чиқаришга ҳам хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлайди: тармоқлар айримларга имконият очиб, айримларни четда қолдириши эҳтимоли бор [24]. Демак, ижтимоий ҳимоя сиёсатини маҳаллий даражада амалга оширишда адолатли танлаш, шаффофлик ва стигмасиз ёндашув асосий шарт бўлади [24–26, 38].

Юқоридаги таҳлил асосида ишчи таъриф қуйидагича таклиф этилади: Ижтимоий ҳимоя аҳолининг ҳаёт циклидаги ижтимоий хавф-хатарларини юмшатиш, камбағаллик ва четлашувни камайтириш, инсон қадр-қиммати ва ижтимоий ҳуқуқларини амалий таъминлашга қаратилган ҳуқуқий-институционал ва жамоавий механизмлар тизими [14–16, 32–35].

Адолат ресурс тақсимооти эмас, жамият тартибининг меъёрий қонуниятидир. Ижтимоий адолат жамиятда неъматлар (даромад, хизматлар), имкониятлар (таълим, меҳнат), ҳурмат (тан олиш), ҳамда масъулият (бурч) қандай тақсимланиши “тўғри” эканини белгилайдиган меъёрий тушунчадир [39–41]. Фалсафий маънода адолат жамиятнинг “яхши-ёмон”дан олдин турадиган саволга айланади: қайси тартиб қонуний ва легитим? [41–43].

Жон Ролз адолатни жамиятнинг “асосий тузилмаси” (basic structure) билан боғлайди: институтлар шундай қурилиши керакки, ҳар кимнинг базавий эркинликлари тенг кафолатлансин; тенгсизликлар фақат икки шартда “оқланади”:

а) имкониятлар ҳақиқий тенглиги таъминланса;

б) тенгсизликлар энг кам таъминланганларга ҳам фойда келтирса (difference principle) [41].

Бу позиция ижтимоий ҳимояни “иктисодий саховат” эмас, адолатнинг институционал талаби сифатида асослайди [41–42].

Амартия Сен адолатни идеал моделга “етиш” эмас, реал адолатсизликларни камайтиришга йўналтирилган амалий баҳолаш деб кўради [17]. Нуссбаум эса инсон ривожини учун зарур бўлган базавий имкониятлар рўйхатини (соғлиқ, таълим, хавфсизлик, иштирок) меъёрий мезонга айлантиради [18]. Бу ёндашув маҳалла каби локал институтлар учун айниқса муҳим: маҳалла ижтимоий муаммоларни жойида кўради ва инсоннинг “амалдаги имконияти”ни тиклашда (масалан, хизматларга кириш) кўпинча ҳал қилувчи бўлади [17–18, 44].

Нэнси Фрейзер ижтимоий адолатни икки йўналишнинг бирлиги сифатида кўради:

• қайта тақсимлаш (redistribution): иқтисодий тенгсизлик ва камбағаллик;

• тан олиш (recognition): камситиш, стигма, маданий пастлаш [39].

Ирис Мэрион Янг эса адолатни “структуравий зулм” ва “четлашув”ни бартараф этиш билан боғлайди; адолат фақат натижа эмас, қарор қабул қилиш жараёнида иштирок (procedural justice) ҳамдир [40].

Демак, ижтимоий адолатнинг тўлиқ модели камида 3 ўлчовни талаб қилади: ресурс, ҳурмат, иштирок [39–40, 45].

Адолат назариясида рақобатдош позициялар ҳам мавжуд. Нозик (либертариан) нуқтаи назарда давлатнинг қайта тақсимлаш сиёсати шахсий мулк ҳуқуқини бузиши мумкин [43]. Бироқ ижтимоий-фалсафий баҳсларда ушбу позициянинг чекланиши шундаки, бозорда “тенг старт” ҳар доим ҳам реал эмас: мерос, инфратузилма, таълимга кириш, соғлиқ ҳолати каби омиллар стартдаёқ номутаносибликни юзага келтиради [17–18, 41]. Шу боис кўпгина замонавий моделлар давлатнинг муайян ижтимоий кафолатларини легитим деб ҳисоблайди [32–36, 41].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат фаолияти “қонунийлик, ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатлик” тамойилларига асосланиши қайд этилган (масалан, 14-модда мазмунида) [46]. Бу норма ижтимоий адолатни фақат ахлоқий даъват эмас, балки давлат ва жамият институтлари фаолияти учун меъёрий-ҳуқуқий мезон сифатида мустаҳкамлайди [46–47].

Халқаро майдонда эса БМТ Бош Ассамблеяси 2007 йилда 20 феврални “Ижтимоий адолат куни” сифатида белгилаган (A/RES/62/10) [48]. Бу қарор ижтимоий адолатни камбағалликка қарши кураш, инклюзия, меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоя билан боғлайди [48–49].

Юқорида фикр юритилган уч тушунчанинг ўзаро боғланиши: “муаммо — ҳимоя — адолат” занжири. Мақола мантиғи учун ушбу уч тушунча кетма-кетликдаги ягона занжирни ташкил қилади (расм):

1. Ижтимоий муаммо жамиятдаги зиддият ва махрумликнинг аниқланиши (объектив ҳолат + меъёрий баҳолаш) [1–3, 7–10].
2. Ижтимоий ҳимоя шу зиддият ва махрумликни юмшатиш механизми (ҳуқуқий-институционал ва жамоавий чоралар) [32–36].
3. Ижтимоий адолат ечимлар қандай мезон билан қурилиши кераклигини белгилайдиган меъёрий компас (тенг имконият, тан олиш, иштирок) [39–42].



Бу занжирни маҳалла институтига уласак, қуйидаги фалсафий тезис шаклланади. Маҳалла ижтимоий муаммоларнинг кундалик “кўриниш” майдони, ижтимоий ҳимоянинг манзилли амалга ошиш нуқтаси ва ижтимоий адолатнинг локал легитимлик синовидир [25–26, 39–40, 44].

Бу ерда локал даражанинг афзаллиги муаммони “яқиндан кўриш” (конкрет оила, конкрет эҳтиёж), камчилиги эса субъективлик, гуруҳбозлик ва стигма хавфи [24, 38–40]. Шунинг учун диссертациянинг кейинги қисмларида маҳалла институтида шаффофлик, ҳисобдорлик, жамоатчилик назорати (public oversight) адолатнинг амалий шарти сифатида таҳлил қилиниши зарур [39–40, 45].

Хулоса қилиб айтганда “ижтимоий муаммо” объект (зарар, хавф) ва субъект (талқин, даъво) ўртасидаги ўзаро таъсир натижаси [1–3, 10–12]. “Ижтимоий ҳимоя” инсон қадри ва ижтимоий ҳуқуқларни таъминлайдиган тизим; у суғурта, манзилли ёрдам ва хизматлар бирлигида самара беради [32–36]. “Ижтимоий адолат” қайта тақсимлаш + тан олиш + иштирок мезонларини бирлаштирган меъёрий тушунча; у ечимларнинг легитимлиги ва барқарорлигини таъминлайди [39–42, 45]. Маҳалла институти ушбу занжирда локал “боғловчи ҳалқа” бўлиб, ижтимоий ҳимоя сиёсатида манзиллилик ва ишонччи кучайтиради, бироқ адолат учун шаффоф институционал қоидалар талаб этилади [24–26, 39–40].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Spector M, Kitsuse J. *Constructing Social Problems*. Menlo Park: Cummings; 1977.
2. Berger P, Luckmann T. *The Social Construction of Reality*. New York: Anchor Books; 1966.
3. Mills CW. *The Sociological Imagination*. New York: Oxford University Press; 1959.
4. Habermas J. *The Theory of Communicative Action*. Vol. 1. Boston: Beacon Press; 1984.
5. Weber M. *Economy and Society*. Berkeley: University of California Press; 1978.
6. Parsons T. *The Social System*. New York: Free Press; 1951.
7. Durkheim É. *The Division of Labor in Society*. New York: Free Press; 1997. (Orig. 1893).